

№ 19

(24991)

2025-yil 8-may,
payshanba9 МАЙ —
ХОТИРА ВА
ҚАДРЛАШ КУНИ

Farg'ona haqiqati

Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg'ona" nomi bilan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>t.me/farhaqiqati

УРУШ БОШЛАНГАНИДА ВОДИЛ ҚИШЛОҒИДАН МЕХНАТДА ТОБЛАНГАН САРА ЙИГИТЛАР БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ
ЖАНГГА ОТЛАНДИ. УЛАР ОРАСИДА БИР ОИЛАДАН УЧОВЛОН – МИРЗАКАМОЛ, ИСЛОМЖОН ВА ХОТАМТОЙ БОР ЭДИ.

"Берлинга танкда кириб борганман"



Ушанда энди ўн беш ёшга тўлиб, мўйлаби сабза урган оиланинг кичиги Орифжон ҳам ҳарбий комиссариатга борди.

— Акалар билан мен ҳам кетаман, — деди у. Аммо рад жавобини олди. Уруш эса тугамас эди. 1943 йилнинг кузида Орифжон кўнгилли бўлиб фронтга жўнади.

— Акаларим учун ўч оламан, — дерди у ғазабини яшира олмай.

Ха, уч ака-ўка урушнинг дастлабки кўнларидан жангга кириб, қахрамонларча ҳалок бўлганлари ҳақидаги "қора хат" уни ларзага солганди.

— Собир Раҳимов дивизиясига олишди мени, — дея эслайди Орифжон ота. — Кетиш арафасида бир ойгина Қўқонда танк бошқаришга ўргатишди. То уруш тугагунча танкда жанг қилдим. Фашист газандалари устидан ғалаба қозонилгач, Берлинга байроқ тикилди. Германия пойтахти кўчаларидан танкда мардонавор ўтганлар сафида бўлдим.

Орифжон ота урушдан қайтгач, хўжаликдаги биринчи тракторни бошқара бошлади. Уни лавозимларга таклиф этишди, лекин тракто-

ридан 40 йилгача айрилмади.

— Фарғона — Водил ораллиғидаги қир-адирлар ўрнида боғ яратдик, — дейди фахр билан отахон.

Орифжон Мўминов номи, у кўрсатган қахрамонликлар бир неча китобларга кирган.

— Мен давлатимиз, Президентимиздан бениҳоя хурсандманд. Бизга ҳамisha меҳрибонлик кўрсатади. Юртбошимчи Шавкат Мирзиёев билан учрашувим эса бир умрлик қувончим хотира бўлди.

Ха, уруш иштирокчилари ардоқда. Давлатимиз Орифжон отани оиласи билан ҳажга ҳам юборди.

Тиниб-тинчимас отахон ўз ховлисиди малиназор яратган. Энди унинг ишларини набиралари давом эттирмоқда.

Юз ёшни қаршилаган Орифжон Мўминов оила аъзолари, не-вара-чеваралари, эл-юрт иззатида.

— Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин, халқимиз тинч, давлатимиз раҳбари омон бўлсинлар, — дея дуо қилади Орифжон ота.

Сарвар ОБИД.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

МАХСУС ТАРЗДА ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛГАН ҲАРБИЙ ҚАЙД ВАРАҚАЛАРИ АСОСИДА АНИҚЛАНИШИЧА, ЎЗБЕКИСТОНДАН ФРОНТГА 1 МИЛЛИОН 951 МИНГ НАФАР КИШИ САФАРБАР ЭТИЛГАН, УЛАРДАН 538 МИНГ НАФАРИ ҲАЛОҚ БЎЛГАН. БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОНДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА УЛАРГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ФАҲРИЙ 82 НАФАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. УЛАРНИНГ ЭНГ ЁШИ УЛУҒИ 114 ЁШНИ ҚАРШИЛАГАН.

УРУШ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН МУҲИМ ФРОНТ ОРТИ МАРКАЗИГА АЙЛАНГАН. БУ ЕРДА 280 ТА ЯНГИ КОРХОНА БАРПО ЭТИЛГАН, ҲАРБИЙ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН, РЕСПУБЛИКА ЭСА 1,5 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛАРНИ, ЖУМЛАДАН, 250 МИНГ ЕТИМ БОЛАНИ БАҒРИГА ОЛГАН.

Пилла терими
бошланди

ЁЗЁВОН ТУМАННИНГ ГАССОН МАҲАЛЛАСИГА

БОРИБ, МУБОРАҚХОН ВА ИСРОИЛЖОН АКБАРОВЛАРНИ СЎРАСАНГИЗ, "ҲА, ПИЛЛАЧИЛАРМИ?" ДЕБ ЎЗИНГИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИШАДИ. БУ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА. ЭР-ХОТИН — МУБОРАҚХОН ВА ИСРОИЛЖОН ҚУРТ УРУҒИ ПАРВАРИШЛАШ, ПИЛЛАДАН МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШНИНГ "ПИРИ" БЎЛИБ КЕТИШГАН. ҲАТТО АТРОФДАГИ МАҲАЛЛА, ҚИШЛОҚЛАРДАН ҲАМ БУ ХОНАДОНГА КЕЛИБ МАСЛАҲАТ СЎРАШАДИ. УН ЙИЛЛАРКИ, ОИЛА МАМЛАКАТДА БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ, ҲОСИЛ ЙИҒИШГА КИРИШАДИ. БУ ЙИЛ ҲАМ ШУНДАЙ БЎЛДИ.

— Ўттиз йилдан буён ипак қурти парваришлаймиз. Бу йил 4 қути қурт уруғи олгандик. Худо хоҳласа, 250 килограмм пилла топирамыз, — дейди Исроилжон Акбаров.

— Ҳавас билан тутамиз қуртни. Қийинчилик йўқ. Ҳар йили мукофот оламиз, — дейди Муборақхон Акбарова.

Бугун эрталаб фойли хонадон яна гавжум бўлди. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ йиғилди. Ҳосилга барака тилаб, дуои фотиҳа қилдилар. Шу паллада виллоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошчилигидаги ишчи ғуруҳ аъзолари ҳам келиб қолишди. Пилла билан танишгач, ҳоким оила бошлиқларига самарали меҳнатлари учун миннатдорлик билдирди ва уларнинг ҳар бирига совғалар тақдим этилди.

— 132 минг қурт боқувчи касаначилар билан шартнома тузганимиз. Бу йил пилла ҳосили мўл бўлиши кўтиляпти, — дейди Фарғона виллояти "Агропилла" раҳбари Ахроржон Фозилов.

— Ҳар йилгидек об-ҳаво исб кетмади, қуртлар заҳарланмади. Қолаверса, қурт боқувчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Икки қути қурт парваришлаган оила бир ойда 8-10 миллион сўм даромад топапти. Президент қарорига қўра, бир ой пилла етиштирган шахсга бир йиллик иш стажы ҳисобланади.

Фарғона виллоятида 3600 гектар тут плантациялари бор. Озуқадан муаммо бўлмади. Ҳамма ерда ҳосил мўл. Масалан, биргина Ёзёвон туманида 2145 қути ипак қурти парваришланди. Қурт 1500 та хонадонга тарқатилган эди. Шартнома режа 129 тоннани ташкил этади. Аммо мўлжал 135 тоннадан кам эмас. Қолаверса, бу йил Ёзёвонда синовдан ўтган плёнка остида қурт боқиш усули қўлланилди.

— Плёнканинг афзаллик томони шундаки, барг тежалади, ипак қуртларига етарли даражада иссиқлик етказиб беради, касалликнинг олдини олади, — дейди Ёзёвон тумани "Агропилла" раҳбари Ойшахон Иброҳимова. — Шунинг учун бизда пилла етиштириш доим республикада биринчи бўлади. Ҳар йили туманимизга бир миллион тулдан зиёд тут кўчати экимиз. Шунинг учун озуқа муаммоси бўлмади.

Яна рақамларга тўхталсак, бу йил Фарғона виллоятида 46436 қути ипак қурти боқилляпти. 2786 тонналик ҳосил уйиш режа қилинган. Бу эса 2017 йилга нисбатан 800 тонна кўп бўлиб, ҳар қутидан ўртача 60 килограмм деганидир.

Муҳаммадjon ОБИДОВ.
Элёрбек ОЛИМОВ
олган сурат.

Марғилонда бир
маҳалла бор —

ҳамма ҳавас қилгудек

"Тошлоқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини аҳоли сони бўйича энг катта ҳудудлар сирасига қиради. 7500 дан зиёд аҳолининг асосий даромади хунарамандчиликдан. Мамлакатимизда миллий хунарамандчиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, "уста — шогирд" аънасанини изчил кўришни билан танишиш имконига эгадир.

"Фарғона ҳақиқати" газетаси материаллари QR КОДИНИ эътибордан четда қолдирманг, бир маънавий озикангиз икки ҳиссага ортади.

Сиз газета саҳифасида берилган QR КОДИНИ мобилъ телефонингизга "юклаб олиб", воқеликлар, жараёнлар, мақолалар, асарлар, тадбирларнинг фото ёки видео кўришни билан танишиш имконига эгадир.

Сизнинг хизматингиздаги "Фарғона ҳақиқати" газетаси ижодий жамоаси.

"Фарғона ҳақиқати" газетаси ижодий жамоаси газетхонларга янада мазмунли маънавий озиқ улашиш мақсадида янги фоя ва лойиҳалар устида изланишлар олиб бормоқда. Мақолаларни мазмунан бойитиш, янги руқнлар ташкил этиш, ўзига хос дизайн яратиш асосий мақсадимиздир.

"Фарғона ҳақиқати" газетасини
ўқийсиз ва кўрасиз!

Тахририят жорий йилдан бошлаб мамлакатимизнинг, шу жумладан, Фарғона виллоятининг муҳим сиёсий воқеалари, дунё янгиликлари, Ўзбекистон тарихи ва бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳаётига боғлиқ жараёнлар, шунингдек, буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари, шу кўннинг қахрамонларига оид мақолалар, танқиди ёзувчи ва шоирларнинг асарлари, эл суйган санъаткорларнинг халқ қалбидан ўрин олган кўшиқларини QR КОД шаклида чоп этиб бормоқда.

Сиз газета саҳифасида берилган QR КОДИНИ мобилъ телефонингизга "юклаб олиб", воқеликлар, жараёнлар, мақолалар, асарлар, тадбирларнинг фото ёки видео кўришни билан танишиш имконига эгадир.

"Фарғона ҳақиқати" газетаси материаллари QR КОДИНИ эътибордан четда қолдирманг, бир маънавий озикангиз икки ҳиссага ортади.

Сизнинг хизматингиздаги "Фарғона ҳақиқати" газетаси ижодий жамоаси.

(Давоми 2-бетда).



ЎТГАН АСР ФОЖИАСИ, ЙИ-ГИРМА МИЛЛИОН НАФАР-ДАН ОРТИҚ ИНСОННИНГ ЁСТИҒИНИ ҚУРИТГАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ-ДА ҚОЗОНИЛГАН БУЮК ҒАЛАБАГА 80 ЙИЛ ТЎЛДИ ВА У МУДОМ ОДАМЗОТГА ҲАЁТ, ТИНЧЛИК ҚАДРИНИ ЭСЛАТИБ ТУРАДИ. АЖАЛ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ КЕЛИБ, ОМОН ЧИҚҚАНЛАРИНИНГ АКСАРИЯТИДАН ҲАМ БУГҮН МУҚАДДАС ХОТИРА ҚОЛДИ.

Оловли йиллар Афсонаси



ЁКИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИСИ ОДИЛЖОН ҲОЖИ БОБО ШУКРОНАСИ

Жаҳон урушига Ўзбекистондан 2 миллионга яқин ҳамюртларимиз сафарбар этилиб, уларнинг 500 минг нафардан зиёди жанг майдонидида ҳалок бўлди. 301 нафар ватандошимиз Совет иттифоқи қаҳрамони, 70 нафари уч даражали "Шон-шараф" орден билан тақдирланган. Урушга отланган 150 мингдан зиёд фарғоналикларнинг салкам 55 минг нафарига оиласи бағрига қайтиш, она Ватан тупроғига бош қўйиш nasib этмади.

Урушнинг тирик афсоналаридан бири Одилжон ҳожи бобо Зокиров Тошлоқ тумани марказида ўша оловли йилларнинг гувоҳи сифатида умргузаронлик қилмоқда. Умрининг бир юз ўчинчи баҳорини қаршилаган қаҳрамоннинг фикрлари тинч, суҳбати мароқли. Тўрт ўғил, олти қиз, 150 га яқин набира-чеварларнинг ардоқли бобоси, фарғоналикларнинг табаррук инсони бугун эл-юртимиз эъзозиди.

— Тўнғичим 76, кенжам 58 ёшда, умрлари узок бўлсин, — дейди бобо, — нимасини айти, энди биз тенги авлод колхозлаштиришнинг талаптўп кунларини, қирғинбарот уруш, ўндан кейин тикланиш даври ўқубатларини, қаҳатчилик, очарчилик йилларини бошдан кечирдик. Барча азобларни бардош билан енгиб, бугунги дориламон кунларга етганимга беадад шукр, болам. Президентимиз Фармони билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 10 минг доллардан бир марталик пул мукофоти берилиши бизга, авлодларимизга юксак эътибор ва ғамхўрликдир. Бундай эъзоздан кўксим осмон қадар юксалди. Юртимиз обод, Юртбошимиз соғ бўлсин, деб ҳар кўни дуодаман.

Одилжон Зокиров ўн етти ёшга тўлиб-тўймай умумхалқ ҳашари — Катта Фарғона, Наманган каналлари қурилишида ишлади. Кўп ўтмай уруш бошланди. 1942 йилда фронтга отланди. Харьков, Белгород, Волчанск шаҳарларини озод этишда қатнашди. Душмани Украина тупроғидан қувиб чиқариш учун мардона жанг қилди. Бикчиндан яра-ланиб, госпиталда даволангач, Львовда яна урушга кирди. Варшава, Будапешт, Прага шаҳарлари учун бўлган аёвсиз жангларда қасорат кўрсатди. Қуrolдошлари билан Прагага ғалаба байроғини қадаб, япон урушига отланишганда, Краков шахрида жаҳон урушида эришилган буюк ғалаба мўждасини эшитди. 1945 йилнинг октябр ойида ўлиmlарни доғда қолдириб, кўкраги тўла орден-медаллар билан уйига кириб келди.

— Машъум уруш йиллари қанчадан-қанча

қуrolдош дўстларимни ўзга юрт тупроғига дафн этдик. Кўплари бедарак кетди ёки майиб-мажруҳ бўлиб қайтди. У кунларни биз кўрдик, сизлар асло кўрманглар. Бугунги тинчлик-хотирхамлик, фаровон ҳаётнинг қадрига етиб яшаш лозим. Биз шундай тўқин ва дориламон замонлар келишини жуда-жуда истаган эдик. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар ҳам, — дейди у.

Урушдан сўнг Одилжон отанинг 40 йиллик умри чўл ерларни, қум барханларини ўзлаштириш билан ўтди. Собиқ Карл Маркс номи ва "Оқ олтин" жамоа хўжалиқларида звено бошлиғи, бригадир бўлиб меҳнат қилди. Уруш тўфайли вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш ишларида фаол қатнашди. Тўрмуш ўртоғи Ойшахон Зокирова билан 10 нафар фарзандни эл-юрт қорига камарбаста инсонлар этиб тарбиялаб, камолга етказди. Бугун уларнинг бахтини кўриб, дуо билан яшаяпти.

Халқ ўз қаҳрамонлари билан ҳамisha фахрланади. Ҳожи бобонинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган мардлиғи ва жасорати эл ёдидан ўчмайди, асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб бораверади — худди тоғаси, халқимизнинг юрт озодлиғи учун жонини тиккан ватанпарвар ўғлони Мадаминбек сингари...

Бобо оғир тин олиб, сўз бошлайди: — Мадаминбек Аҳмадбек ўғли онам Мехринисонинг ўкаси, яна бир опасининг исми Майрамисо эди. Туркистон мухторияти тугатилиб, Қўқон қонга ботирилгач, тоғам "қизил"ларга қарши миллий озодлик ҳаракатининг йўлбошчисига айланган. Ўзига макон тутган Форбувани Шермухаммадбекка қолдириб, Қорадарё ва Норин дарёси қўшилиб, Сирдарёни ҳосил қиладиган жойга қўчган. Оиламизни ҳам ўзи билан бирга олиб кетган. Ўшанда уч опам ва акаларим бўлган экан. Тақдир тақдоси билан мен Наманганнинг Норин туманида туғилиб, кат-

та бўлганман. Урушдан кейин ота юртим Тошлоққа қайтдим.

Шу ўринда маълумот ўрнида қайд этиш кераки, миллий озодлик ҳаракатининг 4000 жангчисига қўмондонлик қилган Мадаминбек Аҳмадбек ўғли суиқасд тўфайли ҳалок бўлган. Унинг Қирғизистон Республикаси Олой воҳасининг Шигай қишлоғидаги қабри устига ўрнатилган мармартшога "Турунг бегим, ғуноҳларни ювайлик, босқинчини она юртдан қувайлик" деган шеърый битик лотин имлосида, ўзбек тилида ўйиб ёзилган. Шеърый матн остига қилич расми туширилган.

— Онаминг бир умрлик армони юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг ушалди, — дейди Одилжон Зокиров, — 1961 йилда омонатини топшираётган чоғида айтган сўзлари қулоғим остида ҳозиргидек жаранглаб турибди: "Болам, эсингдан қайчирма, укамни "халқ душмани" деганлар бекорларни айтибди. Ҳали замонлар келади, тоғанг миллий озодлик ҳаракатининг қаҳрамонига айланади. Бу кунларни мен кўрмадим, сен албатта кўрасан" деган эди. Тўғри айтган экан, истиқлол йилларида тоғамнинг жасорати ҳақида асарлар ёзилди, фильмлар суратга олинди.

Бугун табаррук ёшли бобони зиёрат қилиш, Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан кутлаш, суҳбатидан баҳраманд бўлиш мақсадида хонадонига келувчиларнинг кети узилмайди. У Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалаба неча миллионлаб инсонларнинг жони ва қони эвазига қўлга киритилгани, қуrolдошларининг кўрсатган мислсиз жасоратлари ҳақида ҳикоя қилишдан қарчамайди. Биз ҳам ана шу мароқли суҳбатдан бир шингилни сизга илдинки.

Абдуҷалил БОБОҶОНОВ.
Абдурахмон НИШОНОВ
олган сурат.

Халил ота нега Мельников фамилиясини олган эди?



КАСБИМ АРХИВЧИ БЎЛГАНИ БОИС, ХИЗМАТ ЮЗАСИДАН ЖУДА КЎП ТАРИХИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ЎРГАНГАНМАН, ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРГАНМАН, ШАХСИЙ КУТУБХОНАМДАГИ КИТОБЛАР, ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРНИ ТЕЗ-ТЕЗ ВАРАҚЛАБ ТУРАМАН. МЕНДА САҚЛАНАЁТГАН ЎТГАН АСРНИНГ БОСМА НАШРЛАРИДА ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҲАҚИДАГИ ВОҚЕЛИКЛАР КЕНГ ЁРИТИЛГАН. БУНДАН ТАШҚАРИ, ФРОНТДА БЎЛГАН ОТАМ ШАФҚАТ БИЛМАС УРУШ ХОТИРАЛАРИНИ ТЕЗ-ТЕЗ ҲИКОЯ ҚИЛИБ БЕРАДИ.

Архив ҳужжатларига қўра, Иккинчи жаҳон уруши йиллари Фарғона вилоятидан 150 мингдан ортиқ киши сафарбар қилинган. Уларнинг 54 минг 981 нафари ҳалок бўлган, айримлари бедарак йўқолган. Москвадан тортиб, Европа давлатларини фашизмдан озод этишда қатнашган, қўлида қуrol билан Берлингача етиб борганларнинг 14 минг 912 нафари жанггоҳларда кўрсатган мардлиғи, жасоратлари учун орден ва медаллар билан тақдирланган.

Фашистлар Германияси собиқ СССРга қарши урушни 1941 йилнинг 22 июнида Белоруссияга бостириб киришдан ташқари, Бирок "Шарқ дарвозаси"ни эгаллаш немис босқинчиларига осон бўлмаган. 9 та енгил, 3 та оғир артиллерия батареялари, 600 миллиметрли ўзиюрар "Карл", 210 миллиметрли қисқа қўл йўқотишлар бўлди, аммо 17-Қизил байроқли Брест ғега-ра отряди, НКВДнинг 32-алоҳида конвой қўшинлари, 8 ва 1-ўқчи ва разведка батальонлари, танкларга ва ҳаво ҳужумига қарши ихтисослашган 2-артиллерия дивизионий жангчилари сўнгги ўқлари қолгунга қадар босқинчиларга қаршилик кўрсатишди. Жонларини фидо қилишди, лекин ортга чекинмадилар.

Буг дарёси бўйидаги қўрғонда фашистларнинг илк зарбасини қабул қилган ўзбекистонликлар ҳам анчагина эди. Архив маълумотларида қайд этилишича, Брест қалъасини 50 дан ортиқ миллатга мансуб қуrolдошлар ҳимоя қилишди, Дониёр Абдуллаев, Халил Кашанов, Аҳмад Алиев, Нурул Сиддиқов, Узоқ Отаев каби ватандошларимиз ҳақиқий жасорат намуналарини кўрсатишди. Улар биринчилар сафида душман ҳужумига қалқон бўлдилар. Жумладан, фашист танклари оғир ярадорлар, аёллар ва болаларни аёвсиз босиб келаётганини кўрган Дониёр Абдуллаев уларни тўхтатиб қолиш учун очикчасига жангга кирди, ўнлаб гитлерчиларни "ер тишлатди". Бирок ўзи ҳам ҳалок бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши миллатидан қатъи назар, совет жангчиларини жиғлаштириш, ака-ука, дўст-биродардек курашдилар. Брест қалъаси мудофаасида сўхлик сержант Халил Кашанов капитан Иван Мельников командирлигидаги артиллерия батальонида жанг қилди. У мўйлаби энди сабза урган ёқимтой йиғит эди. Командир уни ўз ўғлидай кўрди, ёш жангчи ҳам комбатни ота-дед билди.

Тенгсиз жангу жадалларнинг бирида Мельников қаттиқ яраланди. Шу депарада бўлган Бобохалил унинг ярасини боғлади, сўнгра ўқ ёмиғлари остида ҳавфсиз жойга олиб

борди. Бирок комбатнинг аҳволи оғир эди. Биринчи тиббий ёрдамга қарамасдан батальон командирининг жони узилди. У ўлими олдида Халилни ёнига қорлаб, ўзини хотирлаб туришини, фарзанди йўқлиги сабабли фамилиясини сақлаб қолишини сўради.

Иван Мельников қаҳрамонларча дафн этилди. Кўп ўтмай жангчи Халил командирни васиятига амал қилиб, фамилиясини ўзгартиришга қарор қилди. Унинг аризасини қўмондонлик қўллаб-қувватлади, тегишли оғир ярадорлар, аёллар ва болаларни аёвсиз босиб келаётганини кўрган Дониёр Абдуллаев уларни тўхтатиб қолиш учун очикчасига жангга кирди, ўнлаб гитлерчиларни "ер тишлатди". Бирок ўзи ҳам ҳалок бўлди.

Урушдан кейин ўз қишлоғига эсон-омон қайтган Халил Мельников ички ишлар органларида хизмат қилди. "Жасорати учун", "Жасорат" медаллари, кўкрак нишонлари, Фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Оила кўрди, фарзандлари ҳам Мельников фамилиясини олди.

Бугунги кунда Сўх туманида Мельниковлар катта сулолани ташкил қилади. Бобохалил ота бу дунёдан ўтиб кетган бўлса-да, унинг фронтдаги жасорати, кўпчиликлка ибратли фаизлатини нафақат Ўзбекистонда, олис Беларусда ҳам шараф билан тилга олишади.

Саъдулла ОЛЛОЁРОВ,
Ҳоразм вилояти Хива шаҳри, меҳнат фахрийси.

Тинчлик-осойишталикни КЎЗ ҚОРАЧИҒИДЕК АСРАЙЛИК!

Оиламиз боши бўлган бобом Яшар Отажанов эндигона 17 ёшга кирган бўлишига қарамасдан фронтга чақирилган. Ўша машъум урушнинг шифақат билмаслигини, ҳар қарич тупроқ учун қанчалик қирғинбарот жанглар бўлганини бизларга — фарзандлари-ю, неваларига кўп гапириб берарди. Буюк ғалабага ўз ҳиссасини қўшганидан фахрланарди. У бир неча бор яраланганига қарамай, даволаниб, яна жангга кирган, Европа давлатларини немис фашистларидан озод қилишда қатнашган. Оиласи бағрига эсон-омон қайтиб келиш nasib этган бўлса-да, кейинги умри давомида руҳан мажруҳ инсонлардек яшади.

Эсимда бор, талабалик йилларим бобом икки гектар ерга ўрик, шафтоли, бодом, ёнғоқ каби турли мевали дарахт кўчатларини ўтказиб, боғ яратган эди. "Яхшидан боғ қолади" деганларидек, бобом эккан дарахтлар меваларидан кўпчилик узок йиллар баҳраманд бўлган. "Фронтда босқинчиларга қарши урушда кўп қон тўкилди, немислар ёши улуглару, бегуноҳ гўдаклар-

ни ўлимга маҳкум этди. Биз адолат учун, озодлик истаб қўлимизга қуrol олдик. Иккинчи жаҳон урушида инсоният бошига мислсиз қулфатлар солди. Уруш нималигини, унинг оқибатларини ўз кўзимиз билан кўрдик, бундай ҳунрезлик ҳеч қачон такрорланмасин, болаларим", деган сўзларни такрор-такрор айтарди бобом.

Бугун тинч ва осуда ҳаётимизга шукроналик келтирар эканмиз, бу кунлар

учун жонини фидо қилган ота-боболаримиз номини, қаҳрамонликларини хотирлаш, руҳи покларини шод этиш эзгу амалларимиз сирасига киришини айтиб ўтмоқчиман. Қолаверса, бугун орамизда бўлган нурунийларни, фронт ортида кунларни тунга улаб, оғир ишларни бажариб, ғалабага салмоқли улуш қўшган юртдошларимизни қадрлаш бизга ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Мамлакатимизда 1999

йилдан буён ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни сифатида кенг нишонланиб келинади. Бу кун халқимизга хос меҳроқибат, саховат, эзгулик, бағрикенглик сингари юксак инсоний хислатлар яна бир бор аққол намоён бўлади. Зеро, ҳур замонлар бизларга насиб этди. Миннатдор авлодлар вазифаси эса тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асрашдир.

Зумрадхон ҲАТАМОВА,
педагог.

ХАБАРИНГИЗ БОР, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ 2025 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛДАГИ ТЕГИШЛИ ФАРМОНИ БИЛАН "ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ" ЭСДАЛИК ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ. 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КЎНИ АРАФАСИДА МАЗКУР ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ТОПШИРИЛАДИ.

Ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган юртдошларимиз мукофотланади

Фармонда қайд этилганидек, "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанин 80 йиллиги" эсдалик юбилей медали таъсис этилди. 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни арафасида мазкур юбилей медали юртдошларимизга топширилади.

ланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёҳуд Ватан уруши ногирони гувоҳномасига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фронт орти меҳнат фахрийлари, шу жумладан, "1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун", "Меҳнатдаги жасорати учун", "Меҳнатда ўрнатилган кўрсатилганлиги учун" медалларига ёки 1941-1945 йилларда



ги уруш даврида Қуrolли Кучларда фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимда бўлганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат фронти қатнашчилари мукофотланади.

"Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанин 80 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан тақдирланганларга бир марталик пул мукофотлари тўланади.

Жараён



БУГУНГИ ФЕРМЕР ФАҚАТ ДЕХҚОН ЭМАС...

Қўштепалик Ҳамидулло Сотволдиев ҳар куни тонгда даласини айланиб чиқишни, ер билан "тиллашиш"ни одат қилган. 1997 йилда падари бузқовори Абдуллажон ота фермер хўжалиги ташкил этганди. Ушанда тўрт ўғлининг суяғи меҳнатда қотишини, ўзи каби пешона тери билан рўзгор тебратишларини ният қилганди.

Фермернинг айтишича, 9 гектар майдонда бошланган деҳқончилик дастлабки йилларда осон бўлмаган. Техника етишмас, ерга ишлов беришдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб бўлган жараёнлар асосан қўл меҳнати билан бажариларди. Кейинчалик республика бўйича ер майдонларининг мақбуллаштирилиши ортдан "Гавҳар" фермер хўжалигини ташкил этишди.

Хўжаликнинг асосий йўналиши – галлачилик ва пахтачилик. Ҳозирги кунда 60 гектар ер майдонга буғдой, 40 гектарига чигит экилган. Шунингдек, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш, чорвачилик йўналишлари ҳам босқичма-босқич ривожлантирилмоқда.

Ҳамидулло Сотволдиев соҳа бўйича билим ва амалий тажрибасини бойитиб, ҳосилдорлик жиҳатидан туманда пешқадамлиқни қўлдан бермаяпти. Утган йили гектаридан 35-40 центнердан галла, 50 центнергача пахта олди. Донга тўлган хирмондан хўжалик аъзоларига, маҳалладошларига беминнат улуш ажратди. Яхши натижаларга ишчиларининг ҳамкорлиги, пешона тери, замонавий агро-техник талабларга қатъий риоя қилиш эвази-

га эришилди. Сўнгги йилларда олиб борилган аграр ислохотлар ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

– Ердан оқилонга фойдаланиш, кластерлар билан ўзаро ҳамкорлик, янги техника ва технологияларни жорий этиш орқали иш унумдорлиги ошди, – дейди фермер.

Хўжаликнинг яна бир даромад манбаи – тақрорий экинлардир. Маккажўхори пояси қаровдаги эллик бош чорва учун озуқа ҳисобланса, турли сабзавотлар йил бўйи рўзгорга ишлатилади, ортгани бозорга чиқарилади.

Бугуннинг фермери – ислохотлар пешқадамидир. Давлатимиз томонидан уларга имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилмоқда. Бундай имкониятлар улар сафини кенгайтирмоқда.

Ҳамидулло ака ўтган йили имтиёзли асосда 400 миллион сўм кредит олди. Эндликда янги йўналиш – боғдорчиликка асос солинмоқда. Ариқ бўйларига 500 туп хитой ёнғоғи, 60 туп қийда, 50 туп олча, 1000 туп шафтоли кўчатлари ўтказилди. Шунингдек, эхтиёж учун трактор агрегатлари харид қилинди.

– Кўпчилик фермерни ҳали ҳам оддий деҳқон сифатида кўради. Аслида бугунги фермер

фақат деҳқон эмас, ҳам агроном, муҳандис, иқтисодчи, тадбиркордир. У наинки ерга уруғ қадайд, етиштирилган маҳсулотини сотиш режасини тузади, ички ва ташқи бозор талабини ўрганади, давлат ислохотларини амалиётга татбиқ этади, – дейди у.

Ҳамидулло Сотволдиев 20 гектар пахта майдонидан томчилатиб сўғоришни йўлга қўйди, 8 гектар ерга чигит плёнка остига, 11 гектарига қўшқатор усулида экилди.

– Хитой тажрибаси асосида чигит экишнинг самараси шундаки, агротехник тадбирларни олиб бориш енгиллашади, ҳосил асосан ўзанинг тепа қисмида этилади. Терим машиналари орқали йиғиштириб олишга мос. Ўз навбатида, йиғим-теримга ортиқча вақт сарфланмайди, – дейди Ҳамидулло Сотволдиев. – Фермерчилик ҳаракатида самарадорликка эришиш учун йилнинг тўрт фаслида ҳам бирдек меҳнат қилиш талаб этилади. Бизнинг шароитда чўлни гулистонга айлантириш осон эмас. Қишда ҳам тиним билмаймиш. Ерлар шўри ювилиб, чилла суви берилса, тупроқ минерал ўғитлар билан тўйинтирилса, куз хирмони баракали бўлади.

Муаттар ТУРҒУНБОЙ қизи.

ТАДБИРКОР ДУНЁ БОЗОРИГА ЧИҚМОҚДА



Курсдош дугонам билан суҳбатлаша туриб, паркўрпа ва ёстиқлар сотиб олиш учун энг яхши хорижий брендлар, онлайн савдо каналлари ҳақида сўрадим. У бўлса қўлди.

– Бағдодимизга келинг, "Golden sun" маҳсулотларини бир кўринг, чет элликдан кам эмас, – деди.



Кўп ўтмай хизмат сафарим шу туманга бўлди. Йўл-йўлакай тадбиркор Жаҳонгир Омонов томонидан ташкил этилган "Golden sun" корхонасида бўлдим. Иш бошқарувчи Аҳаджон Аҳмаджонов анчагина сўзамол йигит экан. Унинг айтишича, 2016 йилда оилавий фирма ташкил қилиб, 3-4 ишчи ёрдамида паркўрпа ва ёстиқлар тика бошлаган. Утган ўн йил тадбиркорга синов даври бўлди. У бозор талабини, аҳоли эҳтиёжини, тайёр маҳсулотлар нарх-навосини ўрганди.

Тадбиркор "Бағдош ММТП" кичик саноат зонаси ҳудудидан ажратилган 35 сотих жойда "Жаҳонгир-Уткирбек" хусусий корхонасини ташкил этиб, 5,5 миллиард сўмлик лойиҳани амалга оширишга киришди. Хитой давлатидан келтирилган ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Малакали ёшларга кафолатли иш ўринлари тақлиф қилинди.

– Бугунги натижаларга эришиш учун вақт керак бўлди, албатта. Бозорга рақобатбардор маҳсулот олиб чиқишининг ўзи бўлмайдди. Ишчиларимизнинг асосий қисми хотин-қизлар. Ёшларга устоз-шогирд аънаъасига кўра ҳунар ўргатилади, – дейди Аҳаджон Аҳмаджонов.

Ҳозирда "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида "Жаҳонгир-Уткирбек" МЧЖнинг "Golden sun" бренди остида паркўрпа ва ёстиқлар ишлаб чиқарилиб, Россия, Тожикистон ва Қирғизистон каби давлатларга экспорт йўлга қўйилган. Иш ўрни 100 нафарга етказилди.

Цехларда иш қизғин. Йигит-қизлар замонавий ускуналарни эпчиллик билан бошқарадилар. Тажрибали усталар уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кўздан кечириш баробарида соҳа сирларини пухта ўргатиб боришади. Биргина чокнинг қийшқик кетиши ёки аллақайси қисмининг ип ранги алмашиб қолиши ҳам ишни яроқсиз қилиб қўяди. Паркўрпа тайёр бўлгунига қадар унинг дизайнини яратиш, мато саралаш, бичиш, тикиш, гул босиш каби бир қанча босқичлардан ўтади. Булар

ишчилардан масъулият, ўз касбини севиш, машаққатларни енгиб ўтишни талаб қилади.

Қўли-қўлига тегмай ишлаётган Фотима Абдуллаева кўнига 100 донадан ортиқ чойшаб четиға безак тикади. Зухра ҳам опасидан қолишмайди.

– "Golden sun" да бўш иш ўрни борлигини эшитиб келганмиз. Уста чеварлардан ҳунар ўргандик. Бугун ўзимиз тиккан чойшабларни кўрганда кўзимиз қувнайд, – дейди Фотима.

Азамат Тўхташенов Риштон туманидан келади. У тайёр маҳсулотларни вакуумлаш ускунасини бошқаради.

– Кўнига 200 дона паркўрпани қадоқлайман. Дастлаб бу жиҳоз билан ишлашни билмасдим, ҳамкасбим Ҳусанбойдан ўргандим. Ёндош аппаратларда Тохиржон, Исромон ишлашмоқда. Бу ерда тенгдош йигитлар кўпчилик бўлганимиз учун футбол жамоамиз ҳам бор. Бўш вақтимизда шўғулланамиз.

Корхонада кўнига 1500 дона маҳсулот ишлаб чиқарилади. Агар яна 10 минг донга буюртма олингудай бўлса уни қўйишга жой йўқ. Шунинг учун ҳам Жаҳонгир Омонов қўшимча бинолар қуриб, фаолиятини янада кенгайтириш учун жой сўради. Тадбиркорга Учкўприк туманидан уч сотих ер ажратилди. Айни пайтда қурилиш-монтаж ишлари кетаяпти. Яқин кунларда буюртма қилинган ускуналар Хитойдан етиб келади.

– Ички ва хориж бозориди талаб қорғори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, экспортни кўпайтириш олдимида турган муҳим масалалардан биридир. Тадбиркорлар учун яратилган мавжуд имкониятлардан самарали фойдалансак, янги иш ўринлари яратишга эришамиз. Аҳоли турмуш даражаси ошади, маҳаллаларимиз обод бўлади. Келгусида корхонамиз бундандала гуллаб-яшнайд, – дейди Аҳаджон.

Маҳиёра
БОЙБОБОВА.

Фарзанд тарбияси нозик, шу билан бирга, масъулиятли вазифа. Улар болаликдан ҳаётни севишга, ҳар кундан завқ олиб яшашга, табиатга меҳр қўйиш, чуқур билим эгаллашга ўргатиб борилад, мақсадга мукамал таълим-тарбия орқали эришилади. Демакки, жажжи ўғил-қизларимиз болаликдан яхши савод чиқариш билан бирга, тозалikka эътиборли, атроф-муҳитга меҳрли бўлиб вояга етишад, наботот ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиат инъомларини ҳамиша қадрлайдилар. Меҳнат қилишга чиниқиб борадилар.

МЕҲНАТСЕВАРЛИК МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАЙДИ

Болани интизомга чорлаш билан унинг қалабда сабр-тоқат шаклланади. Интизом – қаттиққўллик эмас, кундалик режага асосан ўз ҳаётини тақсимлай олишдир. Масалан, эрта уйғониш, юз-қўл, тишларни ювиш, оила даврасида нонушта қилиш, дастурхон атрофида кимдир кўринмаса хавотирланмиш... Бундай тартибларнинг барчаси оила аъзоларнинг бир-бирига бўлган ҳурматини оширибгина қолмай, болада инсонийлик фазилатларини, вақтни тўғри тақсимлай олиш қобилиятини шакллантиради.

Фанларни яхши ўзлаштирмаётган ўқувчини дарс жараёнидаги қизиқтириш кўп жиҳатдан педагогга боғлиқ. Боланинг феъл-атворида келиб чиқиб муомала қилган, дўстлашган устозни қўлуви қалбан ўзига яқин олади, яхши томонга ўзгаришга ҳаракат қилади. Унинг ана шу интилишини ўқитувчи вақтида илғаб олса, нур устига аъло нур.

Мактаб ўқувчилари учун технология дарсларини пухта ўзлаштириш жуда муҳим. Машгулотлар жараёнида бичиш-тикиш, тикувчилик, пазандалик, дурдоғорлик каби ҳунарларни ўрганишади. Буларнинг барчаси мустақил турмушларида жуда асқатади. Тажрибамга таяниб айта оламани, фарзандларимизнинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Баъзилар томорқасидан ишлардан тортиб, чорва ҳайвонларини боқиб, рўзгор юмушларидан бошлаб, турар жойларини таъмирлаш ишларига мардикор ёллайди. Негадир унча мураккаб бўлмаган ишларни ўзларига бўйлашиб қолган ўғил-қизлари бажара олишларига ишонч бўлмайди.

Фарзандлар билан дўстона муносабатда бўлиш, уларни меҳнатсеварликка ўргатиш, бирор касб-ҳунар эгаллашларига ёрдамлашиш, албатта, келажакда ўз мевасини беради.

Малоҳат БОЛТАБОВЕВА,
Фаргона давлат университети
ўқитувчиси.

Миллатни буюк қиладиган КУЧ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДИР

"ИЛМ – ИГНА БИЛАН КУДУҚ ҚАЗИШДИР", ДЕГАНЛАРИ НАҚАДЖ ҲАҚ ГАП. ОЛИЙГОҲДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ТАЛАБАЛАРГА ЧУҚУР БИЛИМ БЕРИШ ҲАР БИР ПЕДАГОГДАН ЎЗ ИШИГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. АЙНИ ПАЙТДА ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ ЙИЛ САЙИН ОШИБ БОРМОҚДА. ЯНАДА САМАРАЛИРОҚ НАТИЖАГА ЭРИШИШ УЧУН ДОКТОРАНТ, ТАЯНЧ ДОКТОРАНТ ВА МУСТАҚИЛ ТАДҚИҚОТЧИЛАРГА ҚАТОР ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. БУГУНДА ДОКТОРАНТЛАР СОНИ 7 НАФАРИН ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.

Жорий ўқув йилида факультет доирасида илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган Н.Адамбаева, Ш.Каримжонов, М.Нурматов, М.Фаниева, Н.Махмудова, С.Юсупова, Д.Усмонова, Ш.Усмонова диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилдилар. Айни пайтда яна 4 нафар ўқитувчилар мустақил тадқиқотчи сифатида докторлик диссертацияларини ёклаш арафасида. Яна 4 нафар ўқитувчи докторантура босқичига ўқишга кирди.

Илмий тадқиқот борасида эришилаётган ютуқларимиз қувонarli, албатта. Чунки танлаган мавзу доирасида изланаётган педагог соҳанинг ҳаммага таниш, лекин ҳеч ким кўра олмайдиган жиҳатларини тадқиқ этади, тафсилотларини аниқлайди. У қузатув, ҳулоса ва илмда топган янгилигини эъзаётин ишда ифодалайди. Бу билан эса филологиянинг долзарб муаммолари илдизига етиб боришга ҳаракат қилади.

Ҳаммамизга аёниқ, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Бунда ёшларга йўлбошчи бўлган ўқитувчи катта илмли, чуқур мушоахдали бўлмоғи шарт. Илмий иш – масъулият. Ҳақиқий илмгина инсониятга фойдалилиги билан қадрланиб бораверади.

Миржалоил МИРЗААХМЕДОВ,
Фаргона давлат университети чет тиллари факультети
"Инглиз тили амалий курси" кафедраси ички ўриндош
ўқитувчиси, 2-босқич таянч докторанти.



Маҳоратли, интилувчан, ташаббускор устоз

Эхтиром

Филология фанлари номзоди, доцент Эхтиётхон Ибрагимова 30 йилдирки, устозлик мақомига лойиқ, Фаргона давлат университетида фидойилик билан меҳнат фаолиятини давом эттириб келмоқда. У ўз вазифасига масъулият билан ёндашади. Узининг ижобий ютуқлари билан янгилик яратган устозларни ибрат намунаси сифатида билади.

Зиёли оилада ўсиб-ўлғайган Эхтиётхон Ибрагимова олийгоҳдаги илк фаолиятини "Нутқ маданияти" кафедраси ўқитувчиси сифатида бошлаган. У олий таълимда ишлашни ўзи учун шараф деб билди, касбини севди, ардоқлади. Йиллар уни маҳоратли, интилувчан ва ташаббускор устоз сифатида тарбиялади.

Устоз талабаларга тилшунослик фанидан пухта билим беришдан ташқари, узоқ йиллар кафедра мудири, декан ўринбосари сифатида ҳам университетнинг маънавий-маърифий ҳаётида жонбозлик кўрсатди.

Факультетда маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари сифатида ишлаб юрган йилларда ёшларда

ги истеъдод учқунларини чин дилдан ҳис этди. Ўша кезлари бир гуруҳ талабаларни ижодий гуруҳга биравлаштиради. Истеъдод эгалари бир неча йиллар "Талабалар театр студияси", "Тафаккур синовлари", "Сиз қонунни биласизми?", "Талабалар баҳори" каби турли республика кўрик-танловларида пешқадамлиқни кўлдан бой бермади.

"Устоз-шогирд" аънаъасига сидқидилдан амал қилишни ҳуш кўрадиган Эхтиётхон Ибрагимованинг жамоат ишларидидаги бу каби таҳсинга сазовор ишларини ҳозирда ўнлаб шогирдлари муносиб давом эттириб келмоқда.

Тилшунослик кафедраси мудири эканлигида кўплаб талабалар опанинг номзодлик диссертациялари ёкланди.

Ўзига нисбатан талабчан устоз ҳамкасблари ҳам шундай фидойи, жонқур бўлишини истайди, улардаги ижодий салоҳият ва педагогик маҳоратни юзага чиқаришга интилади. Уни гоҳ фаоллар залида, кутубхонада, гоҳида талабалар турар жойи-ю, ижарада яшовчиларнинг яшаш манзилларида учратасиз. Бундай ҳаракатчанлик қонқонига сингиб кетган.

Ҳар йили Эхтиётхон Ибрагимова таълим-тарбия берган юзлаб бўлажак ўқитувчилар олийгоҳни тамомлаб, катта ҳаёт томон одим ташлайди. Унинг жамиятда эътироф ва эъзозга эга бўлишининг асосий сабаби, аввало, оилада ўз ўрни ва сўзига эга оқила аёл бўлганидадир. Чунки оилада қадр топган инсон манфаатли ишларни қилишга қодир, матонатли бўлиб шаклланади. Ўзидаги яратувчанлик сифатини кўртка ёддирлишга интилади. Закий онадан тарбия кўрган Ҳасанбой, Зухрохон, Дилёрбек айни дамда малакали шифокор, ўқитувчи, маданият ходими касбларини шарафлаб, онаси каби жамиятда ўз ўрнини топишган.

– Ватан, оила, касбга бўлган меҳр инсонни улуғлайди, кўкларга кўтаради. Ўз юртида қадр топишга, атрофдагиларнинг ишончини қозониб яшашига йўл очади. Ҳар тонг илм даргоҳи оstonасига қадам босар эканман, бу тупроқ не-не буюк зотларга ижод ва истеъдод маскани бўлганини ҳис қиламан. Шу каби аждодларга муносиб авлод бўлишни ўз олдимига мақсад қилганим боис, доимо изланишдан чарчамайман, – дейди у.

Дарвоқе, обур-эътибор мисқоллаб

йиғилади. Уни ушлаб туриш инсондан таълим-тарбия берган юзлаб бўлажак ўқитувчилар олийгоҳни тамомлаб, катта ҳаёт томон одим ташлайди. Унинг жамиятда эътироф ва эъзозга эга бўлишининг асосий сабаби, аввало, оилада ўз ўрни ва сўзига эга оқила аёл бўлганидадир. Чунки оилада қадр топган инсон манфаатли ишларни қилишга қодир, матонатли бўлиб шаклланади. Ўзидаги яратувчанлик сифатини кўртка ёддирлишга интилади. Закий онадан тарбия кўрган Ҳасанбой, Зухрохон, Дилёрбек айни дамда малакали шифокор, ўқитувчи, маданият ходими касбларини шарафлаб, онаси каби жамиятда ўз ўрнини топишган.

– Ватан, оила, касбга бўлган меҳр инсонни улуғлайди, кўкларга кўтаради. Ўз юртида қадр топишга, атрофдагиларнинг ишончини қозониб яшашига йўл очади. Ҳар тонг илм даргоҳи оstonасига қадам босар эканман, бу тупроқ не-не буюк зотларга ижод ва истеъдод маскани бўлганини ҳис қиламан. Шу каби аждодларга муносиб авлод бўлишни ўз олдимига мақсад қилганим боис, доимо изланишдан чарчамайман, – дейди у.

Дарвоқе, обур-эътибор мисқоллаб йиғилади. Уни ушлаб туриш инсондан таълим-тарбия берган юзлаб бўлажак ўқитувчилар олийгоҳни тамомлаб, катта ҳаёт томон одим ташлайди. Унинг жамиятда эътироф ва эъзозга эга бўлишининг асосий сабаби, аввало, оилада ўз ўрни ва сўзига эга оқила аёл бўлганидадир. Чунки оилада қадр топган инсон манфаатли ишларни қилишга қодир, матонатли бўлиб шаклланади. Ўзидаги яратувчанлик сифатини кўртка ёддирлишга интилади. Закий онадан тарбия кўрган Ҳасанбой, Зухрохон, Дилёрбек айни дамда малакали шифокор, ўқитувчи, маданият ходими касбларини шарафлаб, онаси каби жамиятда ўз ўрнини топишган.

– Ватан, оила, касбга бўлган меҳр инсонни улуғлайди, кўкларга кўтаради. Ўз юртида қадр топишга, атрофдагиларнинг ишончини қозониб яшашига йўл очади. Ҳар тонг илм даргоҳи оstonасига қадам босар эканман, бу тупроқ не-не буюк зотларга ижод ва истеъдод маскани бўлганини ҳис қиламан. Шу каби аждодларга муносиб авлод бўлишни ўз олдимига мақсад қилганим боис, доимо изланишдан чарчамайман, – дейди у.

Муаттар МАҲМУДОВА.

ЭЪЛОНЛАР

Фаргона шаҳар, "Мададкор" МФЙ, Саид Аҳмад кўчаси, 57/3-уйда жойлашган "Fergana gold elita" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фаргона шаҳар, Қашқар қишлоқ кўчаси, 211-уйда жойлашган "Baraka-ravon-servis" МЧЖ номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фаргона тумани, "Сой бўйи" МФЙда жойлашган "Surmatov Habibullo hoji" фермер хўжалиги номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтиариқ тумани, "Жўрак" МФЙ, Жўрак қишлоқи, 164/7-уйда жойлашган УТТ Shoiraхon Karimova Ruzaliyevna номига берилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetaları tahririyati Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фаргона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakat nashriyot uy" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсий шаҳар, Чорбўк кўчаси, 17. Буюртма: 11503.	Бизнинг манзил: 150114, Фаргона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24. Саҳифаловчи: Алишер Розиков. Босишга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 16.00.
Газета жума куни чиқади. Алади: 2312 нусха.	★ Баҳоси келишилган нархда.	★ Навбатчи муҳаррир: Маҳиёра Бойбобоева.	ISSN 1010-6370 9 177 2010 637006